

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Халқ депутатлари
Кенгашлари томонидан
маҳаллий давлат ҳокимияти
органларининг қарорлар
қабул қилиш жараёнига
жамоатчиликни жалб этиш
бўйича**

ЯГОНА УСЛУБИЁТ

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлар қабул қилиш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш бўйича ягона услубиёт.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 40 б.

ISBN

© «Адолат» миллий ҳуқуқий
ахборот маркази, 2024 йил

**Халқ депутатлари Кенгашлари
томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти
органларининг қарорлар қабул қилиш
жараёнига жамоатчиликни жалб этиш
бўйича ягона услубиёт**

МУНДАРИЖАСИ

I. Кириш	4
II. Кенгаш қарорларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш масалалари	5
III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш	16
IV. Лойиҳа ишлаб чиқарувчиси томонидан муҳокама иштирокчиларининг таклифларини мажбурий тарзда кўриб чиқилиши тўғрисидаги талабга риоя этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш масалалари	16
V. Қабул қилинаётган ҳужжат юзасидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш	16
VI. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш	16
VII. Хулоса.....	16

I. Кириш

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”. Ушбу конституциявий принцип барча бўғиндаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ва қарорлар қабул қилишида акс этиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари халқ манфаатларини кўзлаб ўзларига берилган ваколат доирасида шахс ва жамият ҳаётига таъсир кўрсатадиган қарорлар қабул қилади.

Мазкур қарор жамият ва шахс манфаатига хизмат қилиши учун қанчалик пухта ўйланса, фуқаролар билан бамаслаҳат қабул қилинса ёки бошқача айтганда “етти ўлчаб бир кесилса” қабул қилинадиган қарорларни сифатли ва халқ учун манфаатли бўлади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 21-моддасида ҳар бир инсоннинг бевосита ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги, шунингдек, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 25-моддасига кўра ҳар бир фуқаронинг бевосита давлат ишларини юритишда иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи белгиланган.

Демократиянинг энг муҳим талаби бу давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик иштирокини таъминлашдан иборатдир. Давлат бошқарувида жамоатчилик иштирокининг турли шакл ва усуллари мавжуд бўлиб, энг кенг тарқалган усули бу фуқароларнинг турли қарорлар қабул қилиш жараёнида иштироки ҳисобланади.

2016 йилдан бошлаб Президент Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган ташаббус асосида фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини амалда таъминлаш масаласи кун тартибига олиб чиқилганидан сўнг демократик ислохотларни амалга оширишда давлат органлари томонидан халқ билан мулоқот ўрнатиб, муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларда қарорлар қабул қилишда аввало аҳолининг фикрини инобатга олиш тизими шакллантирилди.

Айниқса, маҳаллий вакиллик органлари қарорларини қабул қилишда фуқаролар, аниқроқ қилиб айтганда сайловчиларнинг иштироки қабул қилинажак қарорларнинг сифатли, ҳаётий ва халқчил бўлишига, турмуш фаровонлигини яхшилаш ва эҳтиёжларни аниқ баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини оширади.

Маҳаллий кенгашлар қарор лойиҳалари ишлаб чиқишида фуқароларнинг иштироки Кенгашлар фаолиятининг очик, ошкора ҳамда шаффоф бўлишига асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида фуқароларни узоқ вақт давомида қийнаб келган тизимли муаммоларга ҳуқуқий воситалар орқали ечим топилади. Бунга мисол сифатида, бюджет маблағларини сарфланишини аниқлаш бўйича қарор қабул қилишда фуқаролар иштирок этишини таъминлайдиган ташаббусли бюджетлаштиришни (Participatory Budgeting) тизими жорий қилинганлигини келтириш мумкин.

Фуқароларнинг маҳаллий Кенгашлар қарорлари қабул қилишида иштироки фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини сезиларли даражада ошириши ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан бирга БМТнинг **Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг самарли воситаси ҳам саналади.**

Таъкидлаш лозимки, жаҳонда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида бошқаруви ва фаоллиги ҳамда унга нисбатан давлат органларининг муносабати нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ўрганилиб турли рейтингларда доимий равишда ёритиб борилади. Мисол учун Жаҳон банки томонидан даврий эълон қилинадиган “Аҳолининг фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик” (Voice and Accountability) рейтингда фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятида иштироки, ахборотлардан эркин фойдаланиш каби мезонларга алоҳида урғу қаратилади. 2022 йил эълон қилинган натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси мазкур рейтингда 192 давлат орасида **168-ўринни** эгаллаган¹. Ушбу рейтинг кўрсаткичлари давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан, норма ижодкорлиги фаолиятида фуқароларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этаётишини англатади.

¹ https://ru.theglobaleconomy.com/Uzbekistan/wb_voice_accountability/

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ривожланган демократик мамлакатларда маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини жамоатчилик иштирокига, жумладан фуқаролар билан норма ижодкорлиги жараёнида маслаҳатлашув амалиётига алоҳида эътибор қаратган ҳолда амалга оширади.

Мамлакатимизда ҳам фуқароларни норма ижодкорлиги жараёнига жалб этиш, уларни таклифлари ва ҳошиш-истакларини ўрганиш, улар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш барча босқичдаги норма ижодкорлигини устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси”да фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган² бўлса, “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам “овози”га айлантириш” деб номланувчи 75-мақсадида, маҳаллий кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштироки учун зарур шароитларни яратиш вазифаси³ юклатилган.

Мазкур Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлар қабул қилиш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш бўйича ягона услубиёт юқоридаги устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг маҳаллий Кенгашлар қарорларини қабул қилишда иштирокининг ҳуқуқий асослари, шакллари ва усулларига бағишланган бўлиб, унда фуқароларнинг мазкур жараёнда иштирокини таъминлашнинг методологияси яратилган.

² <https://lex.uz/docs/3858817>

³ <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

II. Кенгаш қарорларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш масалалари

1. Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг барча шакллари, хусусан, жамоатчилик томонидан ўз фикрини билдириш ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, бу жамият учун муҳим ўзгаришларда намоён бўлади. Жамоатчилик фикри – ижтимоий воқеаларга, турли гуруҳлар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолиятига бўлган яширин ёки ошкора муносабатларни ўз ичига олувчи оммавий онг шаклидир. Жамоатчилик фикри халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қарори лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин ўтказилади.

Жамоатчилик фикри давлатнинг ягона ҳуқуқий сиёсатини шакллантиришда, уни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролар, сиёсатчилар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манфаатдор гуруҳларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш орқали жамоатчиликнинг муносабати ва интилишларини аниқлаш имконияти вужудга келади.

2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан ўтказиладиган тадбирлар, асосан, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар томонидан асосан, қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:



норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

давлат хизматчиларини ва вакиллик органларини сайлаш ва тайинлаш;

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунчилик талабларига риоя этишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш;



фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳамда ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, натижаси бўйича қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикрини ўрганиш мумкин.

*Жамоатчилик фикрини ўрганишда ташаббускор (халқ депутатлари кенгашлари) ўрганишнинг **долзарблиги, илмий асосларга таяниши, холислиги, ошкоралиги ва ҳаққонийлиги ҳамда ўрганиш ўтказишнинг анонимлигини таъминлаши лозим.***

4. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва баҳолаш мақсадида ахборотларни йиғиш жараёнида давлат органлари томонидан **цензура, махфийлик сиёсатини важ қилиш, жисмоний тўсиқлар қўллаш, жамоатчиликни чалғитувчи усуллардан фойдаланиш** каби ҳолатларга йўл қўйилмайди.

5. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари жамоатчилик фикрини мустақил, ҳудудий давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширишлари мумкин.

6. Жамоатчилик фикрини ўрганишни ўтказувчи жамоатчилик томонидан бериладиган таклифларни аниқлаш ва ишлаб чиқиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:



Сўров ўтказиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш;



Эксперт ёки экспертлар гуруҳи билан интервью ўтказиш;



Таклифлар бериш юзасидан жамоатчиликка эълон бериш.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз фаолиятини, норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш орқали аҳолидан қонунчилик ҳужжатларига таклифлар олиниши мумкин.

Масалан, Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган бўлиб, фуқаролар ва тадбиркорлардан мазкур лойиҳа бўйича таклифлар тўплаш мақсадида @тклт_бот телеграм боти ишга туширилган.

7. Сўров ўтказиш жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни аниқлаш индикаторлари, белгиланган минимал талаблардан келиб чиқиб шакллантирилган саволнома асосида амалга оширилади.

8. Сўровлар қуйидаги асосий шартларга риоя қилинган ҳолда ўтказилади:

1) респондентларнинг сўров ўтказувчи ташкилот томонидан ўз-ўзидан эмас, балки хилма-хилликни таъминлаш мақсадида белгиланган аниқ мезонлар бўйича танланиши лозимлиги;

Масалан, ҳудудларда тадбиркорликни ривожланганлик ҳолати ўрганилаётганда тадбиркорлик энг суст ва юқори ривожланган ҳудудлар танлаб олинади.

2) саволларнинг респондентлар тоифасига қараб уларга мос равишда тузилиши.

Масалан, сўров предметига қараб муайян касбий тоифа, ёш тоифаси, жинс тоифаси танлаб олинади.

9. Кенгаш қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда муаммо аниқ белгиланган ва мақсад шакллантирилгандан кейин ўрганишни тўғри режалаштириш мумкин. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадларини аниқ белгилаш учун қандай муаммони ҳал қилиш кераклиги ва шунга мос равишда уларни қандай усулда ўрганилишини тушуниш лозим.

Хусусан, қуйида йўл қурилиши соҳасида ўтказиладиган жамоатчилик фикрини ўрганиш мисолида **“ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар”** ва **“текшириш керак бўлган ҳолатлар”**ни шакллантиришни таҳлил қилиш мумкин.

<p style="text-align: center;">Муаммо (ҳал қилиниши лозим бўлган)</p>	<p style="text-align: center;">Ҳолат (текширилиши лозим бўлган)</p>
<p style="text-align: center;">Йўл қурилиши фаолияти юзасидан янги маҳаллий кенгаш қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш</p>	<p style="text-align: center;">Йўллар аҳволи, уларнинг равонлигини, фойдаланишдаги аниқланган камчиликлар</p>
<p style="text-align: center;">Йўл қурилишида коррупцияни бартараф этиш</p>	<p style="text-align: center;">Берилаётган маблағнинг тўғри сарфланаётганлиги, объектларнинг ўз вақтида топширилиши ҳамда тендер савдоларининг тўғри йўлга қўйилганлиги</p>
<p style="text-align: center;">Соҳага хорижий ва миллий инвесторларни жалб қилиш</p>	<p style="text-align: center;">Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг пудратчилар сифатида йўл қурилишидаги иштироки, хорижий инвесторларнинг йўл қурилишидаги фаолияти</p>
<p style="text-align: center;">Фаолиятни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш</p>	<p style="text-align: center;">Йўл қурилишига ажратиладиган маблағлар ва уларнинг сарфланиши</p>

<p>Йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш механизмларини ривожлантириш</p>	<p>Қурилиш муддатлари ўз вақтида топширилиши, уларнинг кейинги ҳолати, йўллари халқаро стандартларга мувофиқлиги</p>
---	--

Эслатма!

Сўровларда кўрсатилган саволлар турли хил маъноларни ифодалаши мумкин. Натижада, респондент саволнинг асосий сўров предмети билан боғлиқ маъносини эмас, аксинча бошқа маънода тушуниб, уларга ўзи англамаган тарзда жавоб беради. Бундан ташқари, сўров бошида айрим респондент учун маълум бир савол ноодатий туюлган ёки салбий қабул қилинган бўлса, сўров якунида берилган худди шу савол ижобий қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳолатлар натижалар ўртасида тафовутларни юзага келтиради.

10. Таклифлар бериш юзасидан жамоатчиликка эълон беришда халқ депутатлари мағаллий Кенгашлари ОАВнинг маълум бир туридан фойдаланган ҳолда жамоатчиликка аниқ бир муносабатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, маълум Кенгаш қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида самарали механизмларни ишлаб чиқиш юзасидан эълон беради.

Мисол тариқасида, депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни ҳудудлардаги фуқаролар билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш, аҳоли билан очиқ мулоқотни амалга ошириш мақсадида телеканалларда “Электрон парламент” лойиҳаси фаолияти йўлга қўйилиши, эълонда таклифларни қабул қилиб олиш учун қисқа рақамлар (смс-хабарнома ёки телефон қилиш орқали) маълумот учун қолдирилиши мумкин.

11. Юборилган таклиф ва фикрларини қабул қилиш улардан келиб тушган таклифларни реал вақт режимида қабул қилиш

ва барча таклифларни жадвал кўринишида (жадвал уч устунга: амалдаги таҳрир, таклиф этилаётган таҳрир ва асослантириш қисмга бўлинади) умумлаштиришдан иборат бўлади. Оғзаки шаклда берилган таклифлар матн кўринишида йиғилади. Зарурат бўлганда, таклиф муаллифлари маълумотлари жадвалда қайд этиб борилади.

Келиб тушган таклифларни қабул қилиш учун маҳаллий кенгашларда ишчи гуруҳ тузилиши мумкин. Таклифларни йиғиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ ташкил қилинган тақдирда, таклифлар ишчи гуруҳ томонидан кенгаш қарорини ишлаб чиқилишига бевосита маъсул кенгаш котибиятига юборилади.

12. Таклифлар юзасидан ҳисобот бериш таклифлар сони ва мазмунини очиклаш, уларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан фикр билдириш, мавжуд ноаниқликларни жамоатчиликка маълум қилиш, таклифларнинг инobatга олинганлик ҳолатини ёритиб бориш ва мазкур жараёнларга кенг доирадаги жамоатчиликни жалб этиш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан ОАВ орқали ҳисобот учрашуви ўтказилади. Ушбу жараён телевидение, радио ҳамда онлайн платформалар орқали ўтказилган тақдирда, тўғридан-тўғри ёритилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

13. Таклифларни баҳолаш ва қабул қилиш жамоатчилик фикрини ўрганишнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Таклифлар аҳамиятлилик даражасига кўра, уч турга ажратилади. Булар аҳамият даражаси қуйи, ўртача ва юқори бўлган таклифлардир. Аҳамияти даражаси қуйи ва ўртача таклифлар индивидуал тарзда масъул ходим томонидан баҳоланиши мумкин. Муҳим таклифларни баҳолаш учун масъул давлат ташкилоти томонидан муҳокама ташкил қилинади. Муҳокамага муайян соҳа мутахассислари, таклиф муаллифлари таклиф қилиниши мумкин.

Аноним таклифларни муҳокама қилиш ҳамда инobatга олиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раисининг руҳсати билан амалга оширилади.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш

14. Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан **маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат туркумига киради**. Ушбу Қонуннинг 23-моддаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда **ишлаб чиқувчига нисбатан бир қатор мажбуриятларни юклайди**.

15. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланиши зарур. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари **жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига** олиб чиқилади.

16. **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси** манфаатдор давлат органларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, ўзга ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар ва фуқаролар иштирокида ўтказилади.

17. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар муҳокамаси тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг, тармоқларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамаси иштирокчилари ишлаб чиқувчи томонидан **лойиҳанинг матни билан олдиндан таништирилиши керак**.

Мазкур мажбуриятлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг асосий жиҳатларини белгилаб беришга қаратилган.

*Қонунчиликнинг талаби сифатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар тавсия хусусиятига эгаллиги ҳамда ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги **аниқ мажбурият сифатида белгиланган. Ушбу ҳолат, жамоатчилик муҳокамаларининг натижадорлигига хизмат қилади.***

18. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси материаллари норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга кўриб чиқиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш билан бир вақтда киритилади. **Бу ўз навбатида жамоатчилик экспертизасининг самарадорлигини кўрсатувчи индикатор вазифасини бажаради.**

Эслатма!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасига **кенг халқ оммасини жалб қилиш**, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиши зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг 34-бандида “Mening fikrim” махсус веб-портали орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, **халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига** электрон жамоавий мурожаат қилиш тартибини жорий этиш белгиланган.

20. “Mening fikrim” веб-портали мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилган⁴.

⁴ <https://meningfikrim.uz/uz/pages/about>

21. “Mening fikrim” веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом қоидаларига кўра, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари ҳам электрон жамоавий мурожаатларни кўриш ваколатига эга бўлган ваколатли давлат органлари ҳисобланади⁵. Низом талабларига кўра, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари номига йўлланган мурожаат **камида мингта** қўллаб-қувватловчи овозни тўплаши керак.

22. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокамасини **иккинчи йўналиши** бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (**regulation.gov.uz**) саналади.

*2019 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан **барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари** лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига **жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозимлиги** белгиланган.*

23. Белгиланган тартибни самарали амалга ошириш ва жамоатчиликни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасида иштирок этишларини қўлайлаштириш мақсадида, Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) модернизация қилиниб, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб унинг янги версияси <https://regulation.adliya.uz/> ишга туширилади.

24. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)га ҳозирга қадар **25.743** та лойиҳа жойлаштирилган. Шундан **184 таси** айна пайтда муҳокама жараёнида

⁵ <https://lex.uz/docs/4249490>

бўлиб, қарийб **25559** тасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш яқунланган⁶.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига келиб тушган умумий статистика қуйидаги расмда кўрсатилган:

1-расм

Умумий статистика



Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳоқамага қўйилган қарорларининг шаклларига кўра сони қуйидаги расмда кўрсатилган:

2-расм

№	Тартиб	Сони	Қўрилган	Қўрилган
8	Hokim qarori	21	9778	9799
9	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарining qo'shma qarori		1	1
10	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатining qarori		3	3
11	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонunchilik palatasining qarori		5	5
12	Hokim Farmoyishi	7	1022	1029
13	Kengash qarori	126	5844	5970

Бунга кўра, 2024 йил 25 июль ҳолатига **5970 та Халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари, 9799 та ҳоким қарори, 1029 та ҳоким фармойиши** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)га жойлаштирилиб, фуқароларнинг муҳокамасига қўйилган.

25. Порталнинг бугунги кундаги имкониятлари орасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан

⁶ <https://regulation.gov.uz>




тақдим этилган лойиҳага илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материаллар билан фойдаланувчилар томонидан танишиб чиқиш имконияти яратилган. **Муҳим талаб шундаки**, ахборот-таҳлилий материалларсиз ишлаб чиқувчи ташкилот лойиҳани **порталга юклай олмайди**.

26. Ушбу талаблар жамоатчилик манфаатига хизмат қилади. Фойдаланувчилар тегишли лойиҳа нима учун ишлаб чиқилганлиги, унда нима назарда тутилганлиги, давлат бюджетидан қанча харажат талаб қилиниши мумкинлиги ва уни қабул қилишнинг бошқа оқибатлари ҳақидаги маълумотлар, яъни уни асослантирувчи масалалари билан танишиш имкониятига эга бўлади.

27. Мазкур ҳолат оддий фуқароларнинг танишуvidан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертлик таҳлил ва хулосалар, таклифлар билдириш имкониятини яратади. Яна бир муҳим жиҳат, турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган тадиқотчиларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни билан танишиш орқали таклифлар бериш имкониятини яратади.


*Портал орқали жамоатчилик муҳокамасида иштирок этувчи фуқароларнинг мутахассислиги бўйича кўриб чиқилса улар асосан **профессинал билимга эга бўлган мутахассислар эканлигини кўриш мумкин**:*

3-расм

МУТАХАССИСЛИКЛАР			
Тадбиркор	25489	1576	799
Давлат хизматчиси	10422	2400	291
Мустақил изланувчи	4538	309	241
Илмий изланувчи	2430	278	69
Журналист/блогер	957	23	48

Демак, ушбу портал оддий фуқаролар ва ушбу соҳада профессионал билими бўлмаган шахслар **орасида оммавийлашмаган** деган хулосага келиш мумкин. Бунга сабаб профессионал билимга ёки тажрибага эга бўлмаган фуқаро ушбу ҳужжатларни нима мақсадда киритилаётганлигини, лойиҳа матни на тушунтириш хатини мазмунини тушуниш имкониятига эга эмас.


Мисол учун, қуйидаги Жиззах вилояти Зарбдор туман кенгаши қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилган:

ID	Лойиҳа яратувчиси	Муҳокамага чиқариш санаси	Яқунлини санаси	Таклифлар сони	 Коррупцияга қарши экспертиза
102194	Жиззах вилояти Зарбдор тумани халқ депутатлари Кенгаши	25/07/2024	09/08/2024	0	 Гендер экспертиза  Сўровнома

Лойиҳани тушунтириш хати мавжуд эмас, ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси сингари ушбу қарор лойиҳаси ва уни иловаси юридик тилда баён қилинган. Кўришиб турибдики, соҳада маълум тажриба ва ҳуқуқий билимга эга бўлмаган фуқаро лойиҳани мақсади ва нима ўзгариш беришини тушунмайди. Натижада таклиф ҳам бера олмайди.

28. Жамоатчилик муҳокамасига чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли учун содда ва тушунарли тилда изоҳлаб бериш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

Юқоридагилар асосида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйишда қуйидагиларга аҳамият бериши тавсия этилади:

- 
 Ўзбекистонда бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокамасида нафақат алоҳида фуқаролар ёки ОАВ вакиллари, балки қайсидир аниқ мақсад ва манфаатлар орқали бирлашган фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ролини оширишга қаратилиши лозим;

- ☑ давлат ҳокимиятини шакллантиришга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси ва экспертизасида – сиёсий партиялар; аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда манфаатларига, оила ва бошқа мавзуларга оид қонун лойиҳалари экспертизасида – Жамоатчилик палатаси ва унинг жойлардаги тузилмалари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Ёшлар иттифоқи» ташкилоти ва унинг жойлардаги ташкилотлари, Республика касаба уюшмалари кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотлари каби қатор жамоат бирлашмалари фаол иштирокини кенгайтириш зарур;
- ☑ жамоатчилик экспертизаси хулосаларини ташаббускор субъектлар Конституцияга ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига мувофиқлигини аниқлашга йўналтириши ва ундан фойдаланиши зарур. Қонунчиликка ушбу хулосаларни қайси бири инobatга олингани ва инobatга олинмаганини асослантирган ҳолда жамоатчилик муҳокамасига содда ва тушунарли тилда баён қилган ҳолда очиқ тақдим этиш талабини киритиш тақлиф қилиши.

29. **Жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилувчи органлар томонидан мажбурий тартибда ишлаб чиқувчиларга қайтарилиши шартлиги белгиланган.

30. Муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, қоида тариқасида, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозим. *Мазкур банд олдинги 29-бандга зид эмасми? Яъни бунда ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки муҳим аҳамиятга эгаларигина ва фақат “қоида тариқасида” жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилиши белгиланган. 29-бандда эса қатъий, яъни барча НХҲларнинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши назарда тутилмоқда.*

IV. Лойиҳа ишлаб чиқарувчиси томонидан муҳокама иштирокчиларининг таклифларини мажбурий тарзда кўриб чиқилиши тўғрисидаги талабга риоя этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш масалалари

31. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи зиммасига бир қатор мажбуриятлар юклатилган бўлиб, унга кўра ташаббускор:

- ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлайди;
- айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметига тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини, оммавий ахборот воситаларидаги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги мақолаларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганади⁷.

32. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари юқоридаги вазибаларни бажаришга мажбур, уларнинг аксарияти жамоатчилик, бунда оддий фуқародан тортиб илмий тадқиқот натижалари, ОАВ эълон қилинган мақолалар, фуқароларнинг фикрларига бориб тақалади.

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

33. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига олиб чиқишнинг умумий талаблари Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 9 ва 12-моддаларида кўрсатиб ўтилган қоидалардан ўзини кенглиги билан ажралиб туради.

*Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг **жамоатчилик муҳокамаси** манфаатдор давлат органларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, ўзга ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар ва фуқаролар иштирокида ўтказилади.*

34. Жамоатчилик муҳокамалари натижаларида фуқаролар ва мутахассислар томонидан берилган **таклифлар ва фикр-мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга, лекин ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши мажбурийдир.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг **муҳокамаси материаллари** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга кўриб чиқиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш билан бир вақтда киритилади.

35. Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини порталга уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органга киритишдан олдин жойлаштиради.

Эслатма!

Маҳаллий кенгаш қарор лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига, лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдан олдин жойлаштириши ва яқунлангандан сўнг қарор лойиҳаларни порталга киритилиши талаб этилади. *Сал тушунарсиз баён этилган, яъни нима “яқунлангандан сўнг” ва қаерга киритилиши лозим?*

36. Ташаббускор норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг порталдаги **жамоатчилик муҳокамаси муддатини** тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди ҳамда бу муддат порталда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган кундан эътиборан **15 кундан кам бўлмаслиги керак**⁸.

37. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларидан тушган фикр-мулоҳазаларни ва (ёки) таклифларни ҳисобга олишни ишлаб чиқувчи қабул қилинган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларга **мувофиқ лойиҳани маромига етказиш йўли билан амалга оширади**. Келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар рад этилган тақдирда, ишлаб чиқувчи уларни **рад этиш сабабини асослаши шарт**.

38. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, қоида тариқасида, келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга (кўриб чиқиш учун) киритилади.

⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

V. Қабул қилинаётган ҳужжат юзасидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш (маҳалла назорати гуруҳи мисолида)

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида давлат органларининг ва мансабдор шахсларининг фаолиятини фуқаролик жамияти институтлари, бевосита фуқаролар томонидан улар манфаатига дахлдор ахборотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш йўли билан жамоатчилик мониторингини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро ташкилотлар, жумладан БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яратишда кенг жамоатчилик мониторингини ўтказиш ва фуқароларнинг фикрини инobatга олиш халқаро стандарт сифатида давлатларга тавсия қилинган⁹. Ушбу тавсиялар ҳам Ўзбекистонда жамият ҳаётига оид масалаларни ва қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни ижросини таъминлаш бўйича давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар кўришга ундайди.

Республикамизда “Халқ билан очиқ мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инobatга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш”¹⁰ масалалари халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштиришнинг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Хусусан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида жамоатчилик мониторинги ва уни ўтказишнинг умумий ҳуқуқий асослари кўрсатилган. Халқдепутатлари кенгашлари

⁹ <https://www.un.org/ru/sections/general/documents>

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

ва улар фаолияти самардорлигини оширишда жамоатчилик мониторинги механизмларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Боиси **жамоатчилик мониторинги** бу ўзига хос давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятига жамоатчилик томонидан баҳо бериш, камчиликлари ёки устувор йўналишлари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишда муҳим ҳуқуқий восита саналади.

39. Жамоатчилик мониторинги самарали ўтказиш қуйидаги омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ:



иштирокчиларнинг ўз ҳошиши билан иштирок этишлари яъни, эркинлик ва ташаббусга асосланганлик;

мониторинг объекти бўйича маълумотларни олишнинг ҳуқуқий ва ташкилий имкониятларини мавжудлиги;



мониторинг жараёнининг услубий таъминотини яратилганлиги;

мониторинг жараёнини аниқ натижага асосланганлиги.



40. Жамоатчилик мониторинги орқали кузатиш қуйидаги кетма-кет тартиб-таомилларга асосланади:

- ✔ **дастлабки босқичда** жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборот йиғилади;
- ✔ **иккинчи босқичда** мазкур ахборот умумлаштирилади;
- ✔ **сўнгги босқичда** ахборот таҳлил этиш орқали давлат органи ёки унинг мансабдор шахси фаолияти мониторинг қилинади.

41. Жамоатчилик мониторингини субъектлари сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари назарда тутилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик мониторинги соҳасида алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

42. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон қарори билан таслиқланган Фуқаролар йиғини тўғрисида намунавий низомнинг **14-бандига** асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **жамоатчилик назорати субъекти** сифатида давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали жамоатчилик мониторингини амалга ошириш ва давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитишга ҳақлидир.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 сентябрдаги 489-сон қарори билан Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилмасига **Маҳалла назорати** гуруҳи институти жорий қилинган.

44. Маҳалла назорати гуруҳининг **мақсади сифатида** аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокни кенгайтириш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш белгиланган.

45. **Маҳалла назорати гуруҳи** ўзининг асосий вазифа ва функцияларини бажариш жараёнида давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти бўйича жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали **жамоатчилик мониторингини амалга ошириш ҳуқуқига ҳам эга.**

46. Мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига кўра **жамоатчилик мониторинги** олиб бориш имкониятини яратади.

47. Маҳалла назорати гуруҳи аъзолигига маҳаллада обрў-эътиборли, ижтимоий фаол, бошқаларга ибрат бўладиган, катта ҳаётий тажрибага эга фуқаролар (давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари бундан мустасно), шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

*Маҳалла назорати гуруҳи таркибини шакллантиришда **гендер тенглик** тамойилига риоя қилинади, шунингдек, унинг таркибига **ногиронлиги бўлган** шахслар ҳам киритилади.*

48. Маҳалла назорати гуруҳи аъзоларининг **сони чекланмаган**. Унинг аъзолари сони ҳар бир ўзини ўзи бошқариш органининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

49. Маҳалла назорати гуруҳи томонидан жамоатчилик мониторинги ўтказиш учун аввало гуруҳ мажлиси қарори билан ҳар йиллик жамоатчилик **мониторингини ўтказиш режаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши зарур**.

50. Жамоатчилик мониторинги режасида қуйидагилар акс этиши тавсия қилинади:

1. Жамоатчилик мониторинги қилинадиган масала ёки соҳани аниқ кўрсатилиши;

2. Жамоатчилик мониторинги қилинадиган масала юзасидан экспертлар гуруҳини шакллантирилганлиги;

3. Экспертлар гуруҳи ва маҳалла назорати гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказиб саволлар ва сўровномаларни шакллантириш тартиби ва муддатлари;

4. Жамоатчилик мониторинги ўтказиш учун манфаатдор ташкилотларга хабарномалар ва хатлар жўнатиш муддатлари;

5. Жамоатчилик мониторинги натижаларини умумлаштириш муддатлари;

6. Якуний маълумотномани шакллантириш муддати;

7. Фуқаролар йиғини раисига ва давлат органи раҳбарига мониторинг натижаларини тақдим этиш муддати;

8. Жамоатчилик мониторинги натижаларига кўра фуқаролар йиғини томонидан эшитув ташкил этиш ва ўтказиш муддати.

51. Маҳалла назорати гуруҳи томонидан жамоатчилик мониторинги **оммавий ва очиқ** ўтказилади.

Эслатма!

Маҳалла назорати гуруҳи қарори билан жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда уни ўтказиш ҳақидаги қарорда у ёки бу шаклда ўтказиш, уни ўтказиш тартиби каби масалалар тўлиқ кўрсатиб ўтилиши зарур.

52. Маҳалла назорати гуруҳи қарорида мониторингнинг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборот олдиндан эълон қилинади.

53. Маҳалла назорати гуруҳи томонидан дастлаб у ёки бу давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг фаолияти бўйича **жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни тўплашга киришади.**

Мазкур ахборотни тўплаш сўровлар юбориш, очиқ манбалардан ахборотларни олиш, сўровномалар ўтказиш ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин. Тўпланган ахборот маҳалла назорати гуруҳи томонидан умумлаштирилиб, унинг натижалари таҳлил этилади.

54. Маҳалла назорати гуруҳи томонидан жамоатчилик мониторинги натижаларини умумлаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:



жамоатчилик мониторингининг асосий мақсадидан четлашмаслик;



фақатгина зарур ва жамоатчилик мониторинги мақсадига мос келадиган ахборотларни умумлаштириш;



жамоатчилик мониторинги жараёнида олинган хулосаларнинг исботловчи базани мавжуд бўлиши;



жамоатчилик мониторинги хулосаларида бир-бирига зид ахборотнинг бўлмаслиги;



хулосаларнинг аниқлиги ва ишончилиги.

55. Жамоатчилик мониторинги натижалари маҳалла назорати гуруҳи мажлисида муҳокама қилиниб, фуқаролар йиғини кенгаши ёки фуқаролар йиғини мажлиси муҳокамасига киритилиши мумкин.

56. Жамоатчилик мониторинги натижалари муҳокамаси якунига кўра маҳалла назорати гуруҳи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамоатчилик мониторинги натижаларига кўра таклифлар ва **тавсиялар тайёрлашга** ҳамда уларни тегишли **давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга**;
- давлат органи мансабдор шахсини таклиф қилган ҳолда **жамоатчилик эшитуви шаклида ҳам муҳокама қилиш**;
- жамоатчилик мониторинги натижаларига кўра фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга**;

- давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда **юқори турувчи органга** ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда **судга шикоят қилишга**.

Маҳалла назорати гуруҳининг жамоатчилик мониторингини амалга ошириш юзасидан ҳужжат намунаси.

Намуна лойиҳаси

_____ тумани _____ маҳалла фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиясининг йиғилиш баёни

2024 йил _____

_____ МФЙ

Раислик этувчи:

Ф.И.Ш – М.Ф.Й. раиси

Қатнашганлар:

Кенгаш аъзолари (*рўйхат ассосида*)

Ф.И.Ш – ёшлар етакчиси, комиссия котиби

КУН ТАРТИБИ:

_____ туман _____ МФЙда маиший чиқиндиларни ташиш хизматини кўрсатувчи хўжалик субъекти фаолиятини танқидий кўриб чиқиш тўғрисида

(Сўзга чиққанларнинг ФИО ёзилади)

Кун тартибидаги масала юзасидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия (кейинги ўринларда — комиссия) раиси _____ (Ф.И.Ш) мажлисни очик деб эълон қилган ҳолда, сўзни маҳалла фуқаролар йиғини (кейинги ўринларда — МФЙ)га маиший чиқиндиларни ташиш хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект _____ томонидан сўнги олти ой давомида қилинган ишлар ҳолати баён қилди.

Маҳалла фаоли “_____” ДУКнинг маҳалла фуқаролар йиғинига 2022 йилдан бери хизмат кўрсатиб келади. Сўнги олти ой давомида маҳалла аҳолиси томонидан “_____” ДУК томонидан ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажармаётганлиги, хизмат сифати пасайиб кетгани сабабли кўплаб норозилик билдириб, қуйидагиларни баён қилди:

Комиссия фаоли нутқини тугатгач сўз маҳалла профилактика инспектори _____ (Ф.И.Ш)га берилди.

Профилактика инспектори қуйидагиларни _____

_____ маълум қилди.

Шундан сўнг, маҳалла фаоли _____ профилактика инспектори ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаётганлиги учун тегишли мутасаадилар томонидан хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатнома расмийлаштириш таклиф этилди.

Шундан сўнг, мажлис иштирокчиларининг кун тартибидаги масалар юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланиб, қуйидагича

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. “Юксалиш” МФЙ аҳолисига маиший чиқиндилар ташиш хизматини кўрсатувчи “_____” ДУК фаолияти қониқарсиз деб баҳолансин.

2. Маҳалла фуқаролари истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ташкилот “_____” ДУКнинг вакили, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакили томонидан хизматлар кўрсатилмаганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузилсин;

3. Тўзилган далолатнома асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш чоралари кўрилсин;

4. Комиссия мунтазам равишда МФЙга коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Йиғилиш раиси
Йиғилиш қатнашчилари

Ф.И.Ш

VI. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш

Халқ депутатлари томонидан қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг яна бир шакли бу улар томонидан қарор лойиҳаларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш ҳисобланади.

57. Жамоатчилик экспертизаси ўзининг тартибга солинаётган жараёнини тўлиқ қамраб олиши, жамоатчиликдан алоҳида ташаббус талаб қилиши ҳамда жамоа манфаатларини тўлиқ ифодалаши билан аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, жамоатчиликнинг ушбу назорат шаклида **ташкилотчи** тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

Эслатма!

Жамоатчилик экспертизаси бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг **бошқа қарорлари лойиҳаларини** фуқароларнинг, юридик шахсларнинг **ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига** мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолаш ҳисобланади.

58. Жамоатчилик экспертизаси қарор қабул қилувчининг нафақат норматив, балки бошқа тусдаги қарорлари учун ҳам ўтказилиши мумкин. Шунга қарамай, қарор қабул қилувчининг барча қарорларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мумкилигини анлатмайди.

Қонуннинг 12-моддасида Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкинлиги белгиланган.

Халқ депутатлари кенгашларининг айнан қонунчиликда назарда тутилган қарорларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мумкин. Мазкур қарорлар қўйида кўриб чиқамиз.

59. Хусусан, шаҳарсозлик йўналишида **аҳоли пунктининг бош режаси тасдиқлаш** ҳақидаги қарорлар тасдиқлангунига қадар уни жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни ташкил этиш белгиланган. Шаҳарсозлик кодексининг 40-моддасида таъкидланганидек, аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси ушбу режаларнинг юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан ўрганилишини ҳамда баҳоланишини назарда тутди.

*Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси жамоатчилик назорати субъектларининг ташаббусига кўра ва жамоатчилик муҳокамасини ўтказувчи шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органларига **жамоатчилик экспертизасини ўтказиш заруратини асослаган ҳолда берган аризаси асосида ўтказилади.***

60. Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишга доир ариза **жамоатчилик муҳокамаси ўтказилганидан кейин ўн беш кун ичида** шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинади.

Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси натижалари бўйича якуний ҳужжат тайёрланиб (**хулоса**), у шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органига ва буюртмачига тақдим этилади.

61. Шаҳарсозлик кодексининг 45-моддасига асосан шаҳарсозлик ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Жамоатчилик экспертизаларининг хулосаларини оммавий ахборот воситаларида ва махсус ваколатли давлат органининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилиш, дастурлар ва шаҳарсозлик ҳужжатларини намоиш қилишга доир тадбирлар орқали жамоатчилик назорати субъектларини аҳоли пунктларининг бош режалари тасдиқланганлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан беш кундан кўп бўлмаган муддат ичида хабардор қилиши шарт.

62. **Экологик назорат тўғрисидаги** қонуннинг 15-16-моддаларига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролар атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир масалаларда жамоатчилик **экологик экспертизасини** ўтказиши мумкинлиги назарда тутилган.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарори билан тасдиқланган Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида Намунавий низомга асосан **жамоатчилик экологик экспертизаси** нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ташаббуси билан **экологик асосланилишида эҳтиёж бўлган ҳар қандай фаолиятда** амалга оширилиши мумкин.*

63. Жамоатчилик экологик экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ман этилади. Жамоатчилик экологик экспертизаси, давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан **қатъи назар**, амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик экологик экспертизасининг хулосаси **тавсиявий характерга эга**.

Юқоридаги қоидадан англаш мумкинки, жамоатчилк назорати субъектлари халқ депутатлари Кенгашларининг экологик соҳага оид атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда ва қабул қилишда ҳам жамоатчилик экологик экспертизаси билан ўз иштирокини таъминлашлари мумкин.

64. Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонуни 43-моддасига мувофиқ, **Касаба уюшмалари**, уларнинг бирлашмалари **ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат органларининг, қарорлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши мумкинлиги белгиланган.

Касаба уюшмаси, касаба уюшмаларининг бирлашмаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасининг мазмунидан умуман ёки унинг бирор-бир қисмидан норози бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилувчи органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

65. Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялари ва ёзма сўровлари **кўриб чиқилиши шарт** бўлиб, уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги асосли хулосалар кейинчалик касаба уюшмасига, касаба уюшмаларининг бирлашмасига юборилади.

66. **Ижтимоий шериклик** давлат органларининг нодавлат ношижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор

бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

67. Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини **уларнинг розилигига кўра** жалб этиши мумкин.

*Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонуни 7-моддасига асосан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг **жамоатчилик экспертизасини ўтказишда, ишлаб чиқувчилар билан келишувга кўра**, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқишда иштирок этишга, лойиҳалар юзасидан таклифларни ишлаб чиқишга, уларни тўплашни ва умумлаштиришни амалга оширишга, шунингдек ушбу таклифларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишга ҳақли.*

68. Давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиши шарт.

Эслатма!

Ижтимоий шериклик доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари Кенгашларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида **жамоатчилик экспертизасини ўтказишда** иштирок этишлари мумкин.

69. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси **ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида**

тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга фаол жалб қилиш, **тадбиркорлик тузилмалари билан биргаликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш** бўйича эксперт кенгашлари ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонунт 5-моддасига асосан Палатанинг вазифаларидан бири тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнларига жалб этиш ҳисобланади.

70. Хусусан, улар томонидан Халқ депутатлари Кенгашларининг қўйидаги тусдаги қарорларига Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари жамоатчилик экспертизасини ўтказишари мумкин:



кичик ва ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги ер участкаларига учун ер солиғи ставкаларини белгилаш тўғрисида;



“Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этиш ёки фаолият кўрсатаётганларининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида;



Меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари чегараларини белгилаш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятига оид маҳаллий Кенгаш қарорлари лойиҳалари.

71. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонуни 10-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **жамоатчилик экспертизасини** қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказишга ҳақли бўлиб, ушбу экспертиза доирасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқирилиши мумкинлиги белгиланган.

72. Ўзбекистонда **жамоатчилик экспертизаси натижалари** ОАВга ҳам тақдим этилиши ва муҳокама қилиниши тартибини расмий қонуний асосларда жорий қилиш зарур. ОАВ фуқаролик жамияти институтининг бир шакли сифатида ушбу жараёнларда қатнашиши муҳим аҳамиятга эга.

73. Яқуний ҳужжат уларга нисбатан жамоатчилик назорати ўтказилган давлат органлари ва ташкилотларни назорат қилувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳам юборилиши мумкин.

VII. Хулоса

Қабул қилинган қарор ҳақида ҳуқуқ ижодкорлиги субъекти саналган давлат органлари жамоатчиликни хабардор қилиши шарт. Бугунги кунда ушбу жараёнлар тўлиқ электрон шаклда, Интернет платформасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Самарали бошқарув жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро мулоқотни назарда тутаяди, у давлат органлари фаолияти, давлат хизматлари кўрсатиш жараёнлари ва фуқароларнинг шикоятлари ва сўровларини қондириш йўлларига бағишланиши зарур.

Интернет ва бошқа ахборот технологиялари давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги ўзаро мулоқотни фаоллаштириш воситаси саналади. Шу билан бирга, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш, ўз қарашларини билдириш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун тобора кўпроқ ахборот ва технологик воситаларни киритиш эҳтиёжи туғилмоқда, шу орқали жамият ва ҳокимият ўртасидаги мазмунли ўзаро мулоқот ўсиб бормоқда.

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН
МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ
ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИГА
ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖАЛБ ЭТИШ БЎЙИЧА**

ЯГОНА УСЛУБИЁТ

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев
Ш. Абдуллаев
М. Ахмедов*

Муаллифлар: *Е.Канязов, Б.Донаев,
Б.Мусаев, И.Беков*

Компьютерда саҳифаловчи: *М. Абдуғаниев*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.
Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47
Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz
е-маил: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди ****.*.*.2024 й.**
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. «Calibri» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи ****.**
Наشريёт ҳисоб табоғи ****.** Адади ******* нусха.
-бўюртма.